4. Абдуллаев Ф.А. Информационно-коммуникационная служба в педагогическом менеджменте педагогических вузов.-Ростов-на-Дону. Материалы XV-й научно-практической конференции “Образование через всю жизнь”, 2018 г.-4 Ноября, С.-6.
5. Абдуллаева Ш.А. Совершенствование механизмов профилактической и реабилитационной работы снижения роста правонарушений среди несовершеннолетних / Материалы международной конференции. Ростов-Дон. 31 октября - 3 ноябрь, 2018.- С. 234.
6. Drench S., (2014) CrimePreventionandDiagnosis./ Psychology, and Life Sciences, 14 (2): 55-58.
7. Справка со статистическими данными Министерства народного Образования Республики Узбекистан (положение на 2018 год за номером №32/124 у).-Ташкент, 2018, 24 мая.
8. Лутфуллаев М.Х. Разработка программного обеспечения в вузах.-Ташкент:Фан ва технологиялар, 2019.-192 с.
9. Тайлаков Н.И. Правонарушение и преступность среди несовершеннолетних в республике Узбекистан: анализ, проблемы и рекомендаци. / Материалы международной конференции. Ростов-Дон.31 октября - 3 ноябрь, 2018. –С.244.
10. Andreas Scheleicher. PISA 2012 Results: Students and Money. OECD Publishing. 2014.- 200 p.
11. Boud D. The move to self-assessment: liberation or a new mechanism for oppression, Assessment in Higher Education.Central Queensland University, Australia.http://www.leeds.ac.uk/educol/documents/00002954.htm
12. Юцявичене, П.А. Теория и практика модульного обучения / П.А. Юцявичене. – Каунас, 2009. – 271 с.
13. Смолин Д.В., Цхай А.А., “Оценка качества электронных учебных пособий в информационно-образовательной среде "CHOPIN"”, http://www.altnet.ru/~mcsmall/DOCS/DOC/academy.htm

# АТРОФ-МУҲИТ ҲИМОЯСИ ВА ЁШЛАР ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

**М. М. Аликулова**

*Педагогика фанлари номзоди, доцент,*
*Т. Н. Қори Ниёзий номли*
*Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий*
*тадқиқот институти,*
*Тошкент, Ўзбекистон*

**Summary.** This article discusses the importance of pedagogical methods in explaining the content of current environmental issues and the hazardous environmental processes taking place in the environment. In the context of globalization, students are directly involved in the protection of environmental issues or the need to develop an environmental culture to prevent these negative phenomena.
**Keywords:** ecology; students; environment; pedagogical methods; global; regional; natural resources.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни, фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида экологик мувозанатни сақлаш ва атро-муҳит

ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда. Экология, атроф-муҳитнинг ҳимояси инсоният, халқаро жамият олдида турган ва ўз ечимини кутаётган долзарб муаммодир. “Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида “Минг йиллик декларация”сида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига маъсулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир” [1].

Республикамизда экология соҳаси бўйича қонунларнинг мазмуни моҳияти, амалий аҳамияти, мавжуд узлуксиз таълим тизимида самарали воситалар орқали ёшларимиз онгига сингдирилмоқда. Экологияга оид долзарб масалаларнинг мазмунини жамоатчиликка, талаба-ёшларга тушунтириш ва атроф-муҳитда содир бўлаётган таҳликали экологик жараёнларни изоҳлашда педагогик усуллар, омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанларни чуқур ўрганиш орқали маълум натижаларга эришиш мумкин. Шунингдек, институтлар ва университетларда таълим олаётган талаба-ёшлар мустақил ишлари жараёнларида, улар орасида ўтказилаётган тарбиявий соатларда юртимиз экологиясига оид материаллардан унумли фойдаланиш имкониятлари бор. Ҳозирги замон бўлажак мутахассис-бакалавриятини ўқитиш жараёнларида мавжуд экологик аҳвол, атроф-муҳитнинг инсон ҳаёти, фаолияти билан узвий боғлиқ эканлигига, ижтимоий гуманитар ҳамда мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари туфайли экологик вазият ҳақида мустақил тушунчалар ва фикрларга эга бўлишади. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг маърузалари, семинар ва амалий машғулотлари жараёнида, ўқув муассасасидаги мавжуд ахборот ресурс марказларининг виртуал ахборот имкониятларидан фойдаланиб атроф-муҳит ва табиий ресурслар ҳолати, улардан фойдаланиш бўйича илмий асосланган хулосаларга келади [2, 112-б.].

Устозлар ёрдамида мавжуд энциклопедиялар, ўқув дарсликлар, ўқув қўлланмаларда, илмий-оммабоп адабиётларда келтирилаётган ва баён қилинган материаллар билан чуқур танишадилар. Ватанимиз экологиясига оид илмий асосланган материаллар интернет сайтларига жойлаштирилганлиги ёшлар экологик маданиятининг ривожланишида муҳим омилидир. Интернет материалларида глобал ва регионал экологик масалалар, уларнинг ечимида жамоат ташкилотлари фаолиятининг кенг ёритилиши, Республикамиз вакилларининг халқаро ташкилотлар лойиҳаларида фаол иштирок этаётганликлари, экологияга оид аниқ таклифлар киритаётганликлари талабаларга суҳбат, мунозара ва мулоқот кечалари, олимлар ва мутахассислар билан учрашувлар орқали улар шуурига сингдирилмоқда.

Бугунги ёшлар глобал экологияга оид муаммолар, шу жумладан Орол денгизининг қуриши, озон қатламининг бузилаётганлиги, иқлим исиши каби қийинчиликлари, ер ресурсларидан, трансчегаравий сувлардан унумли фойдаланишдаги регионал муаммоларнинг моҳияти билан

танишадилар. Глобаллашув шароитида ушбу экологик масалалар ҳимоясида фуқароларнинг бевосита иштироки ёки бу салбий ҳолатларнинг кенгайиб боришининг олдини олиш учун уларнинг ҳаракатлари зарурлигини янги педагогик технологияларни қўллаш орқали талаба-ёшларга тушунтириш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Талабалар билан ишлашда, ўтказиладиган маъруза ва амалий машғулотлар давомида оммавий ахборот воситаларидан олинган экологик аҳволнинг таҳлилига бағишланган материаллардан ўқув жараёнида қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Оммавий ахборот воситалари атроф-муҳит ҳимояси бўйича долзарб, ҳозиржавоб ва илмий асосланган мақолалар чоп этиш жамоатчилик, шу жумладан, ёшларнинг экологик онги шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада, ёш ватандошларимизда юртимизнинг келажаги учун муҳим амалий аҳамият касб этувчи экологик маданият, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш кўникмалари ривожланади. Педагогик фаолиятда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинган минтақа экологик ҳолатига доир мақолаларни, теледастур эшитиришларини ўқув жараёнида кўргазмали қурол сифатида, янги педагогик технологияларни қўллашда ҳам фойдаланиш мумкин. Вақтли матбуотда чоп этилган материаллар асосида экологияга бағишланган маъруза матнлари, услубий тавсиялар тайёрлашда, ёшларни қизиқтирувчи савол-жавоб кечаларини ўтказиш имкониятини кенгайтиради. Ушбу педагогик фаолият билан ёшларга минтақада мавжуд бўлган экологик муаммолар, шу жумладан, ер ресурсларининг шўрланиши сабаблари, унинг олдини олиш учун олиб борилиши керак бўлган амалий ишлар тартибини тушунтириш мумкин.

Мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларида мавжуд бўлган ичимлик суви танқислиги, сув ресурслари ва атмосфера ҳолатининг трансчегаравий ифлосланиши, ер ости сувларнинг инсон антропоген фаолияти туфайли яроқсиз ҳолатга келаётганлиги, биохилмахилликнинг камайиб бориш ҳоллари кузатилаётганлиги, ҳайвонот дунёсининг сийракланиши каби экологик муаммоларнинг мавжудлиги илмий асосланган фактлар, хулосалар, статистик маълумотлар орқали ёшларга етказилиши амалий аҳамият касб этади. Мамалакатимиз миқёсида экология ва атоф-муҳит муҳофазаси масалаларининг дунё жамияти томонидан алоҳида эътиборга олинганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнида халқаро экспертларнинг хулосалари, халқаро миқёсда ўтказилган илмий амалий конференциялар, Ўзбекистон экологиясига оид хорижий мамлакатларда чоп этилган илмий тўпламлар материаллари ҳам мухим роль ўйнайди. Экологик масалалар ёки унинг ҳимоясига бағишланган турли туман тадбирларда Ўзбекистон Қизил китоби материалларидан самарали фойдаланиш лозим. Шунингдек, Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашларини мустақил ўрганилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар, педагогика ва унинг турдорш фанлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Библиографик рўйхат**

1. Каримов И.А. БМТ саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2010 йил. 22 сентябрь
2. Ҳакимов Н.Ҳ., Абдулқосимов А.В., Ҳамдамов Ш.Р. Ижтимоий Экология. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. -112 б.

# ИЗМЕНЕНИЕ КУЛЬТУРЫ СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К МОДЕЛИ СОВРЕМЕННОЙ СЕМЬИ

**М. Дж. Койилова**

*Младший научный сотрудник,*
*Узбекский научно-исследовательский*
*институт педагогических наук,*
*г. Ташкент, Узбекистан*

**Summary.** The paper considers issues of changing the culture of family values in the context of the transition to a model of a modern family.
**Keywords:** family; female crime; offenses; homelessness of minors; a modern family model.

Атмосфера в семье является зеркалом состояния общества, формирует основу сильного, стабильного и благополучного государства. Однако в Узбекистане все еще не редкость такие явления как ранние и родственные браки, рост числа разводов среди молодых семей, женской преступности, беспризорности несовершеннолетних и правонарушений. Чтобы изменить ситуацию и предотвратить негативные явления в будущем, требуется внедрение новых и эффективных механизмов в системе работы с семьями. Эта задача нашла свое отражение в Указе Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» и Постановлении Президента от 27 июня 2018 года «Об утверждении Концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» [1, 4].

В соответствии с данными документами поставлены задачи проведения фундаментальных, прикладных и инновационных исследований по вопросам укрепления и развития семьи, а также улучшения в семьях духовно-нравственной атмосферы, сохранения и пропаганды в обществе лучших семейных традиций.

К традиционным семейным ценностям сегодня можно отнести, в частности:

- брак, понимаемый как союз мужчины и женщины, основанный на регистрации в органах государственной регистрации актов гражданского состояния, заключаемый с целью рождения и совместного воспитания детей, характеризующийся взаимным уважением, совместным бытом;
- многопоколенность семьи;